



20²⁰ у « 5 » ноябрь

№ Қ-616

« ___ » _____ 20__ г

Олтинсой туманининг Х.Намозов массиви худудидан “Омонтурди Юнусов” оилавий корхонасига паррандачиликни ривожлантириш мақсадида “Товуқхона” қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5,87-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониغا асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 05 октябрдаги 03-02/699-сон йиғилиш баёни ва Олтинсой тумани ҳокимининг 2020 йил 07 сентябрдаги 01-05/184-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 05 октябрдаги 03-02/699-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Олтинсой туманининг Х.Намозов массиви худудидан “Омонтурди Юнусов” оилавий корхонасига паррандачиликни ривожлантириш мақсадида туман ҳокимлиги захира ер фондидаги қишлоқ хўжалиги харитасининг 99қ-дала контуридан 1,0 гектар яйлов ер майдони “Товуқхона” қурилиши учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “Омонтурди Юнусов” оилавий корхонасига “Товуқхона” қурилиши мақсадида 1,0 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 14 940 620 (ўн тўрт миллион тўққиз юз қирқ минг олти юз йигирма) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг х/р: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Олтинсой тумани ҳокимлиги (А.Джумаев) ер майдони ажратилиши

муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Туропов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов